

ШАРТНОМА № 661
ТОВАР (МАХСУЛОТ) ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

Фарғона шаҳри

“19” декабрь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи **Фарғона вилоят ҳокимлиги** "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"Бағдод Мебель корхонаси"** масъулияти чекланган жамияти номидан жамият раҳбари Э.Эрматов иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1.“Етказиб берувчи” мазкур шартнома шартларига асосан **“Фарғона шаҳридаги вилоят маданият бошқармаси қошидаги “Нефтчи” маданият саройини мебель жихозлари билан таъминлаш”** мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Етказиб берувчи”га маҳсулотларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2.“Етказиб берувчи” “Буюртмачи”га майший воситаларни етказиб беради (кейинги ўринларда-“товар (маҳсулот) “ деб юритилади), “Буюртмачи” эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. “Товар (маҳсулот)”ни тўлиқ етказиб бериш “Етказиб берувчи”га аванс маблағлари тўлаб берилгандан сўнг 30 кун мобайнида амалга оширилади.

“Товар (маҳсулот)”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилади.

II. “ТОВАР (МАХСУЛОТ)” НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган “товар (маҳсулот)”нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-кийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа мевъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки тахлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. «Буюртмачи» га “Товар (маҳсулот)” билан бирга унинг мувофиқлик сертификатини тақдим этиши шарт.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

“Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талааб қилиш;

“Товар (маҳсулот)”, «Буюртмачи» хисобига транспортда ташилганда “Етказиб берувчи” дан транспорт харажатларини қоплашни талааб қилиш;

“Етказиб берувчи” дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги “Товар (маҳсулот)” етказиб берилишини талааб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган “Товар (маҳсулот)” етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

-зарур сифатга эга бўлмаган “Товар (маҳсулот)” шунга ўхшаш “Товар (маҳсулот)” билан алмаштирилишини;

-камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

-баҳосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талааб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Етказиб берувчи”дан талааб қилиш.

3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган “Товар (маҳсулот)”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича “Етказиб берувчи” томонидан **“Фарғона шаҳридаги вилоят маданият бошқармаси қошидаги “Нефтчи” маданият саройини мебель жихозлари билан таъминлаш”** “Фарғона шаҳридаги вилоят маданият бошқармаси қошидаги “Нефтчи” маданият саройини мебель жихозлари билан таъминлаш” ишлари бўйича ўтказилган танловнинг лот-№ 203992, 2022 йил 14 декабрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар киймати кўшимча қиймат солиги ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **560 770 000** (беш юз олтмиш миллион етти юз етмиш минг) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган “Товар (маҳсулот)”нинг баҳоси мазкур шартнома иловасида кўрсатилган.

4.2. Маҳсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни “Етказиб берувчи” кўтаради.

Маҳсулот «Буюртмачи»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда “Етказиб берувчи” транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. «Буюртмачи» етказиб бериладиган “Товар (маҳсулот)” туркуми суммасининг **15** фоизи яъни **84 115 500** (саксон тўрт миллион бир юз ўн беш минг беш юз) сўм миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган “Товар (маҳсулот)” учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан сўнг конунда белгиланган муддатда ичидан инвестор томонидан таъминланган маблағ ҳисобидан қолган **85** фоизини узил-кесил ҳисоб-китоб қиласи.

4.4. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Товар (маҳсулот)"га ҳақ тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Буюртмачи» нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Буюртмачи» томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"ни қабул қилишни рад этишга ҳаклидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга киравчи бошка номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида каралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет башкилоти"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ҳодими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

VI. КАФОЛАТЛАР

48. "Етказиб берувчи" "Товар (маҳсулот)" хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; улардан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва носозликларни ўз вактида бартараф қилишни кафолатлади.

49. "Товар (маҳсулот)" ларнинг кафолатли муддати томонлар "Товар (маҳсулот)" ларни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида _1_ йил этиб белгиланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарлика тортиласди.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

"Буюртмачи" бюджетдан маблағ оловучи ташкилот бўлганлиги учун бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги сабабли тўловни амалга ошира олмаганлиги учун "Етказиб берувчи" олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

6.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи «Буюртмачи» га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирок, бунда пеняning умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим, Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларини етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Пеня тўлаш "Етказиб берувчи"ни маҳсулот етказиб беришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.4. Агар етказиб берилган сифати белгиланган стандартларга, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тартиши, шунингдек "Етказиб берувчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

6.5. Етказиб берилган товарлар учун бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг, "Буюртмачи" ўз вактида тўловни амалга оширганлиги учун "Етказиб берувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кунга кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

VIII. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРЗ-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишида узайтирилади.

7.2. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

7.3. Агар томонлар икки ой ичидаги келиши олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақидидар.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктиносидий суди томонидан кўриб чиқилади.

X. АЛОХИДА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур шартномага барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

9.3. «Буюртмачи» билан “Етказиб берувчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

9.5. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»



«Бағдод мебель корхонаси» маъсулияти
чекланган жамияти
Манзил: Бағдод тумани, Кўшчинор -22
x/p: 20208000100925663001
Банк номи: “Ипотекабанк” Кўкон бўлими
Тел: 73-479-25-57
МФО: 01076 СТИР: 305714128
ОКЭД-

Рахбар:  Э.Эрматов

М.У.



«Буюртмачи»

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»
Манзил: Фарғона ш. Темирйўл к. 37 уй
Тел./факс: 224-52-24
штх: 
СТИР: 204 816 336
ОКЭД-70220
Фарғона вилояти бўйича Фазначилик бошқармаси
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО: 00014 Фазначилик бўлинмасининг
СТИР: 201 122 919
Буюртмачи рахбар:  X.А.Долимов


Хуқуқий хуласа

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсультант _____ М.М.Маматкулов

Хуқуқий хуласа

“Буюртмачи” вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ва “Етказиб берувчи” “Бағдод Мебель корхонаси” маъсулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2022 йил “ ” кунги ____-сонли пурдат шартномада “Фарғона шаҳридаги вилоят маданият бошқармаси қошидаги “Нефтчи” маданият саройини мебель жиҳозлари билан таъминлаш” “Фарғона шаҳридаги вилоят маданият бошқармаси қошидаги “Нефтчи” маданият саройини мебель жиҳозлари билан таъминлаш” ишларни бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

“Етказиб берувчи” _____ 
М.у.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (максулот) номи	Ўлчов бирлиги (дона/комп)	Микдори	Бир бирлигининг нархи (сўм)	Жами сумма
1	Кресло для зрителей (откидное)	дона	360	1 160 000	417 600 000
2	Кресло 3х местное	дона	32	625 000	20 000 000
3	Стол 2x тумбовый	дона	9	950 000	8 550 000
4	Стол компьютерный с тумбой	дона	18	785 000	14 130 000
5	Шкаф книжный	дона	9	750 000	6 750 000
6	Шкаф для одежды	дона	9	835 000	7 515 000
7	Стул полумягкий	дона	60	175 000	10 500 000
8	Кресло рабочий	дона	9	1 250 000	11 250 000
9	Трюмо	дона	2	1 250 000	2 500 000
10	Шкаф для одежды	дона	4	835 000	3 340 000
11	Барьер 4,5*1 м	дона	1	3 385 000	3 385 000
12	Вешалка для гардероба	дона	12	1 150 000	13 800 000
13	Вешалка для кастюмов	дона	15	950 000	14 250 000
14	Диван мягкий	дона	8	3 400 000	27 200 000
Жами суммаси					560 770 000

Шартноманинг умумий қиймати: 560 770 000 (беш юз олтмиш миллион етти юз етмиш минг) сумни ташкил этади.

«Етказиб берувчи»

«Буюртмачи»

Эрматов Элёржон

М.ў.

(Имзо)

Полимов Ҳакимжон

М.ў.

